



ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИГА ОИД ТАКЛИФЛАР

Хўжаназарова Мақсада Муҳаммадиевна

*Саф қисми курслар бошлиғининг Хотин-қизлар масалалари бўйича
ўринбосари, подполковник*

Аннотация: Аёллар ўртасида жиноятчиликнинг ривожланишида сўнгги ийлларда кўзга ташланган ташвишли тенденциялар, жамиятга, жамиятдаги маънавий-психологик муҳитга, жамиятнинг алоҳида институтларига, айниқса, оиласий муносабатларга аёллар жиноий хулқ-авторининг салбий таъсири ортиб бораётгани, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг тузилишида таъмагирлик жиноятлари етакчилек қилиши, бу жиноий қилмишлар давлатнинг иқтисодий тузумига ва фуқароларнининг шахсий мулкига катта моддий зарар етказаётганилиги, аёллар жиноят содир этишига турткি берувчи ўзига хос сабаблар ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, изчил профилактика ишини йўлга қўйишнинг зарурлиги, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг муаммоларини илмий ўрганиш даражасининг пастлиги, бу аёллар ўртасида жиноятнинг олдини олиш ишларини ташкил этишига салбий таъсир қўрсатаётганилиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: тенденция, жиноят, профилактика, олдини олиш, муҳит, криминоген ҳусусият, хотин-қизлар

ПРОБЛЕМЫ, ВОЗНИКАЮЩИЕ В СФЕРЕ ПРОФИЛАКТИКИ ЖЕНСКОЙ ПРЕСТУПНОСТИ, И ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО ИХ РЕШЕНИЮ.

Аннотация: Тревожные тенденции развития преступности среди женщин в последние годы, усиливается негативное влияние преступного поведения женщин на общество, духовно-психологическую среду в обществе, отдельные институты общества, особенно семейные отношения, увеличивается преступность супружеской измены. лидируя в структуре преступности среди женщин, это преступные деяния, наносящие большой материальный ущерб экономической системе государства и личному имуществу его граждан, необходимость налаживания последовательной профилактической работы с учетом конкретных причин и условий, мотивирующих женщин совершения преступлений, низкий уровень научной изученности проблем преступности среди женщин, это профилактика преступности среди женщин, считается, что это оказывает негативное влияние на организацию своднической работы.



Ключевые слова: тенденция, преступность, профилактика, профилактика, среда, криминогенная личность, женщины. тенденция, преступность, профилактика, среда, криминогенная личность, женщины.

PROBLEMS ARISING IN THE PREVENTION OF WOMEN'S CRIME AND PROPOSALS FOR THEIR SOLUTIONS

Abstract: *Alarming trends in the development of crime among women in recent years, the negative impact of women's criminal behavior on society, the spiritual and psychological environment in society, individual institutions of society, especially family relationships, is increasing, and the crime of adultery is increasing. leading in the structure of crime among women, these are criminal acts that cause great material damage to the economic system of the state and the personal property of its citizens, the need to establish consistent preventive work taking into account the specific reasons and conditions that motivate women to commit crimes, the low level of scientific knowledge of the problems of crime among women, This is the prevention of crime among women, it is believed that this has a negative impact on the organization of pimping work.*

Key words: trend, crime, prevention, prevention, environment, criminogenic personality, women. trend, crime, prevention, prevention, environment, criminogenic personality, women.

Аёлларнинг жиноий хулқатвори ижтимоий воқъеликдаги объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро таъсири билан белгиланади. Бундай омиллар орасида ижтимоий омиллар етакчи рол ўйнайди. Аёллар ўртасида жиноятчилик ўзининг ижтимоий белгиланган ҳусусиятларга эга. Бу ҳусусиятлар жамиятда содир бўлаётган тарихий, жуғрофий-сиёсий, иқтисодий-хуқуқий, демографик ва бошқа ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ. Мазкур ўзгаришлар аёллар ҳаётий фаолиятининг микроижтимоий муҳитида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Микроижтимоий муҳит аёллар ҳаёт йўлининг турли босқичларига ҳар хил салбий таъсир кўрсатади. Бу бевосита ёш, меҳнат фаолияти, моддий аҳвол, оиласи муносабатларнинг ҳолати каби маълум ижтимоий-демографик тафовутлар билан белгиланади. Маҳкум аёллар жазони ўтаётган озодликдан маҳрум қилиш жойлари шароитида микроижтимоий муҳитнинг салбий таъсири айниқса кучли сезилади, бундай жойлардаги муҳит эса ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, эркакларнинг колонияларидаги муҳитдан жиддий фарқ қиласиди.⁷⁵

Аёларининг ғайриижтимоий хулқатворини профилактика қилиш учун Н.Г. Шумский келтирган маълумотлар эътиборга молик. Спиртли ичимликларни сувистемол қилувчи аёлларнинг қўпчилигига руҳий ифанилизм хос. Руҳиятнинг реактив ва аффектив бузилиши ҳам аёллар феъл-атворининг умумий жиҳатларидан ҳисобланади. Улар 30-35 ёшдан кейин аёлларда

⁷⁵ Тўйчиев X. Шахс хуқукий онги ва хуқукий таълим. - Т.: Мухаррир, 2010. - 128 б. Б. 50



алкоголизм билан касалланиш эҳтимоли анча ортган даврда кучаяди яъни ушбу ёш аёлларнинг энг криминоген ёш гуруҳини ташкил этади⁴¹.

Гиёхвандлик ва алкогализмни аёллар ўртасидаги жиноятга бевосита таъсир қўрсатувчи омиллар сифатида профилактика қилиш муаммолари муайян шахс даражасида ҳам, умуман жамият миқёсида ҳам жинсий тубанлашиш билан чамбарчас боғлиқ.⁷⁶

Бизнингча, фохишлик муаммоси билан боғлиқ барча жиноий-хуқуқий қарорлар энг аввало жиноят содир этувчи бундай аёллар шахсига ва фохишиликни эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан алоҳида ёндашиш имкониятига таяниши керак. Бундай ёндашув, биринчидан, жиноят процессида далил-исботлар билан таъминлаш нуқтаи- назаридан юқорида зикр этилган шахсларни янада кенг тавсифлаш имконини беради, иккинчидан эса, индивидуал профилактика ишларини амалга оширишда шахснинг психолигик ҳусусиятларини эътиборга олишнинг зарур шарти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотларга қўра, умумий жиноятда аёллар содир этадиган жиноий хатти-ҳаракатлар эркаклар томонидан содир содир этиладиган жиноятлардан фарқ қиласди. Шу боис аёллар жиноятининг табиати ва оқибати, содир этиш усули ва жиноят куролини маълум бир вазиятларда қўлланиши, жиноят содир этилишида иштирок этишдаги ўрни, жиноят қурбонини танлаш, майший турмуш шароити кабиларга криминологияда алоҳида эътибор қаратилган ҳолда тадқиқот ишлари олиб борилади ва зарур тавсиялар берилади.

Аёллар жиноий фаоллигининг умумий даражаси яқин ўн йилликда анча барқарор бўлиб қолади. Аммо бунга мамлакатимизнинг айrim вилоятларида диний ақидапарастлик, терроризм ғояларининг тарқалиши мавжуд вазиятга бақарорлаштирувчи омил сифатида таъсир қўрсатиши мумкин. Узоқ муддатли прогнозлар тузишда бу ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларни ҳам эътиборга олиш керак.

Аёллар ўртасида жиноятни криминологик прогноз қилиш соҳасида давлатнинг умумий саъй-ҳаракатлари ва статистик ҳисоботини, юридик, ижтимоий-иқтисодий, демографик ва бошқа статистика маълумотларини такомиллаштиришга йўналтирилган муайян чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Криминологик прогноз қилиш соҳаси Ўзбекистонда деярли ривожланмаган бўлса ҳам, уни ривожлантириш жиноятга, шу жумладан, аёллар ўртасидаги жиноятга қарши кураш чораларини танлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўлида катта аҳамият касб этган бўларди.⁷⁷

Аёллар ўртасидаги жиноятга таъсир қўрсатувчи криминоген ҳусусиятга эга бўлган салбий омилларни баҳолаш умуман жиноятка таъсир қўрсатувчи

⁷⁶ Каракетов Ю.М. Ответственность за разбой. – Нукус, 1990. – С.115.

⁷⁷ Криминология: Дарслик / З. С.Зарипов, Ю. С.Пулатов, Г. А.Аванесов ва бошқ.; проф. З. С.Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 474 б. Б. 198.



омилларнинг таҳлили билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам аёллар профессионал жиноятчилигини профилактика қилишнинг ҳусусиятларини кўриб чиқишига киришишдан олдин, улар энг аввало жиноятга, шу жумладан аёллар ўртасидаги жиноятга қарши курашнинг умумий сиёсати ҳамда криминал професионализмнинг олдини олиш чоралари билан чамбарchas боғлиқ эканлигини қайд ўтиб ўтиш керак.

Аёллар профессионал ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш профессионал ҳуқуқбузар аёлларнинг жиноят содир этиш усулларини, ҳуқуқбузар аёлларнинг шахсий ҳусусиятларини эътиборга олиш, уларнинг криминоген алоқаларини аниқлашни назарда тутиши лозим. Профессионал ҳуқуқбузар аёллар фаолятининг ҳусусиятларини ўрганишда уларга хос бўлган жиҳатларни, жумладан, бундай жиноятлар латентлиги даражасининг юқори эканлиги, жабрланувчиларнинг хулқ-атворидаги виктимологик белгилардан ҳуқуқбузар аёлларнинг фойдаланишини, жиноят иши бўйича тергов жараёнида жиноятчи аёлларнинг хулқ-атворини эътиборга олиш керакки, бу, ўз навбатида, профессионал жиноятчи аёллар иштирокида алоҳида тергов ҳаракатлари ва процессуал ҳаракатларни ўтказишнинг тегишли тактикасини ишлаб чиқишини талаб этади.⁷⁸

Аёллар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиша унинг минтақавий ҳусусиятларини ҳам эътиборга олиш, уни мана шу ҳусусиятлардан келиб чиқиб прогноз қилиш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларни олдини олиш, шунингдек бириктирилган ҳудудда жиноят содир этган, шунингдек жиноят содир этиши мумкин бўлган хотин-қизларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш учун ҳар бир ҳудудга хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика инспектори лавозимини жориш этиш ҳамда “Аёллар ҳуқуқбузарлигига қарши кураш бўлинма”ни ташкил этиш. Жиноят содир этган, содир этиш эҳтимоли мавжуд бўлган, шунингдек, виктимологик жиҳатдан ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизлар доирасида ижтимоий профилактикани ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш, шунингдек, ижтимоий профилактика амалга оширилиши мумкин бўлган хотин-қизлар ҳақида қисқа муддат ичида маълумотларни олиш механизмини ташкил этиб интеграцион маълумотлар базасини яратиш зарур.⁷⁹

Аёллар содир этган жиноятларнинг сабаблари ҳозирги ижтимоий иқтисодий жараёnlар таҳлилининг кўрсатишича, аёллар жиноятчилигининг асосан қуйидагилар билан узвий боғлиқ:

1) жамиятнинг турли бўғинларида ижтимоий назоратнинг сусайганлиги, жумладан оила ва унинг шаклланишида шошқалоқликларга ҳамда эътиборсизликларга йўл қўйилаётганлиги;

⁷⁸ Семенихин В. Подросток ждет защиты // Милиция.– 1992. – №1. – С. 13.

⁷⁹ Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўкув қўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошк.; проф. Ў. Х. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. - Т., 2017. - Б. 22–24.



2) жамиятда юзага келаётган номақбул зиддиятлар, одамлар ўртасидаги безовталик ва турли қарама-қаршиликлар, ўзаро қасд ва душманлик кайфияти;

3) жамият ҳаёт тарзига зид бўлган ичкиликбозлик, гиёхвандлик, фоҳишабозлик, дарбадарлик ва тиланчиликнинг ўсганлиги .

Аҳоли орасида одоб-аҳлоқ қоидаларига мос келмайдиган салбий ижтимоий жараён - фоҳишилик кузатилмоқда, яъни моддий манфаат эвазига қилинаётган тасодифий жинсий алоқалар кўпайиб, оила каби муҳим жамият асосини издан чиқармоқда. Бундан ташқари, фоҳишилик билан бирга суицид, криминал аборtlар, гиёхвандлик ва алкогализм, ОИВ инфекциясининг тарқалиши кўпаяди. Ушбу ижтимоий ҳавфли жараён жамиятимизда минг йиллаб тузилган аҳлоқ-одоб қоидаларини бузиш билан бирга ифрат, фидойи севги, садоқатга ишониш каби тушунчаларни инкор қиласиди ва таълим тарбия йўлида қилинаётган меҳнатнинг обрўсини тушуради.⁸⁰

Фоҳишилик билан шуғулланаётган аёллар асосан давлатимизнинг бошқа жойларидан пойтахтга келиб, ҳуқуқбузарликлар (такорий ҳам) содир этиб келаётганликлари - бу жойлардаги ички ишлар бўлинмалари ҳодимларининг ҳудуддаги криминоген вазиятдан беҳбарлигидан ва уларни умуман танимаслигидан далолатdir. Чунки аниқланган фоҳишилик ҳолатидан кейин аёллар билан индивидуал профилактика ишлари (тўғридан тўғри профилактик суҳбат орқали, ёки яшаш, ўқиш ва иш жойида, яқин қариндошларини жалб қилган ҳолда) олиб борилмайди, яшаш манзилларига ҳабарномалар жўнатилмайди, биринчи маротаба содир этилган фоҳишиликдан кейин расмий огоҳлантирувлар чиқарилмайди ва такорий содир этилган ҳуқуқбузарликтан кейин профилактик ҳисобга олиниб, профилактик карталари уларнинг яшаш манзилларига юборилиши тўғри йўлга қўйилмаган. Фоҳишелар бир йил давомида профилактик ҳисобга олиниб, уларнинг хулқ-атвори назоратга олинган тақдирдагина, фоҳишилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий натижаларга эришса бўлади.

Фоҳишабозлиқ, фоҳишилик билан шуғулланиш ҳуқуқбузарлиги ижтимоий муҳитнинг ахлоқан бузилишига, жамиятнинг ахлоқий таназзулига, қолаверса бевосита шу асосида вужудга келадиган жиноятларнинг ошишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур ҳуқубузарликтининг содир этилишига нисбатан белгиланган жавобгарлик масаласини қайта кўриб чиқиши ҳамда қонунга ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 190-моддасида “Фоҳишилик билан шуғулланиш” ҳуқубузарлиги учун жавобгарлик белгиланган.⁸¹

Фоҳишилик билан шуғулланиш —

⁸⁰ Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини тақомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) дис.... автореф. – Т., 2018. – Б. 20.

⁸¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>



базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлади. Фохишалик ҳуқубузарлигининг содир этилишининг ошиб боришига бўлган асосий сабалардан бири сифатида мазкур ҳуқубузарликка нисбатан жавобгарликнинг таъсирчан эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Айни шу хусусда мазкур модданинг 2-қисми, яъни (Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса) ушбу ҳолатга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш, яъни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 1281-модда Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгacha бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш нормасига “Фохишалик билан шуғулланиш маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг содир этилганда...” қисми киритилиб жиноий жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари ташкил этилиши кўзда тутилаётган “Аёллар ҳуқуқбузурлигига қарши кураш бўлинма”лари фаолияти бевосита мазкур турдаги ҳуқубузарликни содир этган, содир этишга мойил хотин-қизлар устидан назоратни амалга ошириш, тегишли тартибда рўйхатини юритиш ҳамда аёллар билан индивидуал профилактика ишлари (тўғридан тўғри профилактик сухбат орқали, ёки яшаш, ўқиш ва иш жойида, яқин қариндошларини жалб қилган ҳолда) олиб бориш, агар мазкур тоифадаги ҳуқубузарликни содир этган шахс бошқа ҳудудда истиқомат қиласидиган бўлса, яшаш манзилларига ҳабарномалар жўнатиш, биринчи маротаба содир этилган фохишалиқдан кейин расмий огоҳлантириш чораларини кўриш, такрорий содир этилган ҳуқуқбузарлиқдан кейин профилактик ҳисобга олиб, уларнинг профилактик карталарини яшаш манзилларига юбориш, шунингдек, фохишаларни бир йил давомида профилактик ҳисобга олиб, уларнинг хулқатвори назоратга олган тақдирдагина, фохишаликни олдини олишда ижобий натижаларга эришса бўлади десак, муболаға бўлмайди.

Жойлардаги профилактика инспекторлари томонидан Ўз.Рес.МЖтКнинг 190-моддаси билан ҳужжатлар расмийлаштирилаётган пайтида, ҳуқуқбузарлик содир этган аёллар туманлараро тери-таносил касалликлари диспансерларига ва шаҳар ОИТСга қарши курашиш Марказига тиббий текширувдан ўтказиш учун юборилмайди, кейин қатор венерик касалликлар ва ОИТС билан касалланган аёллар ушбу касалликлари тўғрисида билиб ёки билмасдан, аҳоли орасида ушбу касалликларни тарқатишни давом эттирмоқдалар, натижада Ўз.Рес.ЖК⁸²нинг

⁸² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: [http://www.lex.uz/](http://www.lex.uz;);



113-моддасида кўрсатилган жиноятнинг латентлиги ўсиб бормоқда, ушбу жиноятларни тезкор йўллар билан аниқлаш қийин бўлиб келмоқда.

Чунки суриштирув ишларни амалга ошираётган мансабдор шахслар (профилактика инспекторлари) томонидан суриштирув материаллари доирасида таносил касалликларига мажбурий тиббий текширув утказиш тугрисидаги карор буйича норматив хужжатлари йуклиги учун суриштирув давомида ушбу касалликларни аниқлаш имконияти булмаяпти.

Судларга Ўз.Рес.МЖтКнинг 190-моддаси буйича қарор қабул қилинаётган вақтида хуқуқбузарнинг таносил касалликларга текширилиши ва аниқланган тақдирда тери-таносил диспансерида даволаниши тўғрисида кўрсатилиб ўтилиши ва шу бўйича тегишли норматив хуқуқий хужжатлар қабул қилиш таклиф этилади.

Тошкент шаҳарининг турли жойларида, асосан, Чилонзор тумани “Чилонзор буюм савдо комплекси” ва “Тошкент савдо комплекси”, Бектемир тумани, Яшнобод ва Миробод туманлари ҳудудида бошқа вилоятлардан келиб “лўли” миллатига мансуб фуқаролар хуқуқбузарлик (тиlamчилик, дайди, фирибгарлик, ўғирлик, майда безорилик ва ҳ.к.) ҳолатларини содир этиб келмоқдалар, бу эса савдо-комплексида фаолият юритаётган тадбиркорлар, шу ҳудудда яшовчи фуқароларни ҳақли эътиrozларига сабаб бўлмоқда.

“Лўли” миллатига мансуб фуқаролар қундузи Тошкент шаҳрининг барча савдо-комплексларида (“Бектўпи”, “Фарход”, “Ўрикзор”, “Қўйлуқ”, “Чорсу”, “Юнусобод”, “Олой” ва ҳ.к) ва Тошкент вилояти Зангиота туманинг “Бек барака” бозорларида ҳамда одам гавжум бўлган чораҳалар ва ер ости йўлларида хуқуқбузарлик (тиlamчилик, дайди, фирибгарлик, ўғирлик, майда безорилик ва ҳ.к.) ҳолатларини содир этиб, кечқурунлари Тошкент вилоятининг чегарадош ҳудудларидағи дала майдонларига келиб, ўзларига яшаш учун жой қилиб “Табр”ларни шакллантириб яшаб келмоқдалар.

Олиб борилган ўрганишлар давомида ёши 25-30 ёшларда бўлган лўли аёлларининг 7-8 нафаргача фарзандлари борлиги ва болалари антисанитария ва гигиена қоидаларига амал қилмасдан кир аҳволда савдо комплекси ҳудудида назоратсиз юриб, турли ҳилдаги хуқуқбузарлик ҳолатларини келтириб чиқармоқда.⁸³

Хозирги кунда Ички ишлар органлари ҳодимлари ва мутассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда, “Лўли” миллатига мансуб фуқароларнинг тиламчилик қилиб, йўлларда, бозорларда юришини тартибга солиш борасида бир қатор чора тадбирлар ўтказилиб келмоқда.

Лекин бу чора-тадбирлар ушбу “Лўли” миллатининг муаммоларини ҳал қилиб берди дегани эмас. Қуйидаги чора-тадбирларни мунтазам амалга ошириш ушбу фаолиятда ижобий натижаларни беради:

⁸³ Абдурасурова К.Р. Хотин-кизлар жиноятчилигининг жиноят хуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2005. – 231 б.



Республика бўйича “лўли” миллатига мансуб фуқароларни ички миграциясини тартибга солиш тўғрисидаги норматив хужжатларни қабул қилиш тўғрисида таклиф киритиш;

Ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган “лўли” миллатига мансуб хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан якка тартибда иш олиб бориш, хотин-қизлар ўртасида бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шаклантириш, унинг маънавий-аҳлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга юридик маслаҳатлар бериш, хотин-қизларнинг энг муҳим муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишда фуқаролар йигинлари ва “лўлилар” жамияти билан ҳамкорлик қилиш;

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланган, ғайриижтимоий ҳулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган хотин-қизларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чораларини амалга ошириш;

“Лўли” хотин-қизларни маданиятини ошириш, тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш, уларга оилани режалаштириш, тўғриқ жараёнини тартибга солиш, соғлом она ва соғлом бола дунёга келтириш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

Ҳар бир вилоятларда туғилаётган “лўли” болаларини туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини олинишини, мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларига жойлаштирилишини ҳамда билим олиб, тарбияланишини, назоратга олиш;

Қонунларни ҳурмат қилиш, тартиб-қоидаларга риоя этишни сингдириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларида тушунтириш ишларини ташкил этиш.

Шу чора-тадбирлар орқали лўли миллатига мансуб бўлган шахсларни жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялашга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги низомининг 2-иловасидаги 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида профилактика инспекторларининг вазифаларини амалга оширишни тизимли йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, профилактика инспекторларида ортиқча қоғозбозлик, маълумотлар тўплаш тезлигини сезиларли даражада ошириш, ҳуқуқбузарликларни вақтида рўйхатга олиш,



ижтимоий профилактика йўналишини манзилли ташкил этиш йўналишини белгилаш мақсадида онлайн ахборот портали мавжуд эмас. Шунингдек маҳалла профилактика инспекторларига биритирилган планшетларнинг ҳам имконияти чекланган ҳисобланади.⁸⁴

Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносатлари вазирлиги, Бош прокуратура, Ёшлар ишлари агентлиги, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва қуйидаги маҳалла раислари ва маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, уй боши ва кўча вакиллари, Халқ таълими бошқармалари, мактабгача таълим муассасалари, ННТлари билан ҳамкорликни белгиловчи Электрон хужжатлар юбориш ва бажариш тизимини жорий этиш бўйича электрон платформа яратиш зарур. Ушбу электрон платформа:

1. Хотин-қизларга қўлланилган тазиик ва зўравонлик ҳолатлари юзасидан ягона маълумотлар базасинига уланиш;
2. Ички ишлар вазирлигига мавжуд ахборот платформалари негизида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар, содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар электрон базасини яратиш;
3. Вазирлик ва идоралар билан интеграция қилиш;
4. Профилактика инспекторларининг хужжатлар намуналари планшетларга жойлаштириш;
5. Профилактика инспекторининг планшетида ҳар битта содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун процессуал хатти-ҳаракатларни амалга оширишда кўмак берадиган услубий қўлланма ва электрон хужжатлар намуналарини киритиш;
6. Таҳлилий маълумотлар ва тавсиялар тайёрлаш каби ишларни ўз ичига олиши лозим.

Ушбу йўналишда қуйидагиларга “Тинч ва осуда оила”, “Хавфсиз хонадон”, “Хавф маҳалла”, “Тинч ва Хавфсиз шаҳар” хавф туғдирувчи омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича электрон платформали концепция ишлаб чиқишини йўлга қўйиш орқали амалий муаммоларни хал қилиш мумкин.

Юртбошимиз томонидан, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ва кам таъминланган оиласарда яшовчи фуқароларнинг дардини эшитиш ва улраган тизимли кўмак бериш мақсадида жойларда секторлар ташкил этилди.

Бундан ташқари “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”лар ташкил этилди.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўрикномани тасдиқлаш ҳакида»ги 191-сон бўйруғи // URL: <http://www.lex.uz>



Лекин жамиятда ўз ўрнига эга бўлмаган, ушбу дафтарларга рўйхатга олинган, давлат томонидан қўмакга муҳтож бўлган опа сингилларимизни, ушбу дафтардан чиқиб, давлат томонидан берилган ёрдамлардан унумли фойдаларниб, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишлари учун **СТИМУЛ** бўладиган давлат миқёсидаги қўрик танлавлар жорий этилмаган.

Ушбу муаммоларни ижобий хал қилишда:⁸⁵

Жамият ижтимоий қатламидан ажралиб қолган, шунингдек, ўз позициясини етарли даражада англаб етмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда ўз ўрнига эга эканлиги демократик-хуқуқий давлатнинг ижтимоий муҳофазасидаги фуқароси эканлигини англаб етиши ҳамда ҳаётда ўз ўрнига эга эканлигини қўрсатиш мақсадида турли хил ижтимоий-маданий қўрик танловлар ташкил этиб, танловлар якунига кўра “**МАТОНАТЛИ АЁЛ**” номинацияси жорий этиш;

жойларда секторлар кесимида ушбу рўйхатлар шакиллантирилиб, ҳар йили баҳор байрами арафасида ушбу қўрик танлов ўтказилиши йўлга қўйилиши;

“**Аёллар дафтари**”, “**Ёшлар дафтари**” ва “**Темир дафтар**”лардан рўйхатдан чиқиб, давлат томонидан берилган ёрдамлардан унумли фойдаларниб, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишган опа сингилларга берилиши белгиланиши лозим.

Хозирги амалиётда, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари суҳбат ўтказган ва уларнинг олдига мурожаат билан келган фуқаролар бўйича бир варагда маълумотнома қилинмоқда, ушбу маълумотнома йил алмашиши билан тикилиб, котибиятга топширилиб йўқ қилинмоқда.

Суҳбатдан ўтган, фуқаро, муҳокама қилинган оилалар, муаммолари бор хонадонлар акас этирилиб, қачон ва ким томонидан ушбу оила ўрганилганлиги бўйича маълумотлар қўйи бўғинларда сақлаб қолишни имкони бўлмаётганлиги сабабли, келгусида хар бир ИИБ бўлинмаларида “**Ф-3 китоби**” деб юритилган маълумотлар киритиш ва алмашиш электрон платформа баъзаси ишлаб чиқилса, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторига мурожаат қилган (мурожаат шаклидан қаттий назар) ушбу электрон платформага киритилади ва шахсига оид маълумотлар, оилавий аҳволи, мурожаат тури ва мурожаат мазмуни, муаммоси, ечими бўйича маълумотлар, юқори турувчи бошқарма ва вазирликларда акс этиб, электрон назорат тизими ҳам яратилади, ортиқча қофозбозликнинг олди олинади. ИИВ тизимида хизмат сафарлари учун кетадиган маблағлар тежалади, аҳолининг муаммолари ўз вақтида ҳал қилиниши механизми тизимли равишда амалга оширилиб борилади.

ИИВ тизимидағи хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори учун “**Ф-3 китоби**” деб юритилган маълумотлар киритиш ва алмашиш

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳакида»ги 296-сон карори // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – 2010. – №48. – 446-м.



имкониятларини берувчи электрон платформа баъзаси ишлаб чиқилиб жорий этиш зарур.

Британия тажрибасида ажримларни олдини олиш мақсадида, оила қурмоқчи бўлган фуқаро, тўйдан олдин полиция идораларига ариза билан мурожаат этиш мумкинлигини, ушбу аризада бўлажак турмуш ўртоғи зўравон сифатида маълумот базасига киритилганми ёки йўқми текширилишини сўрайди ва маълумотга эга бўлиш хуқуқи берилган.⁸⁶

Қонунчиликка ажримларни олдини олиш мақсадида, ушбу тажриба асосида оила қурмоқчи бўлган фуқарога, тўйдан олдин ФХДЁ органи орқали хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлардан электрон ариза билан мурожаат этиш йўли билан текширтирса, ажримлар, оила турмуш доирасидаги хукуқбузарликлар, ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари камайишига эришилган бўларди.

Ундан ташқари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларнинг ваколатлари кенгайтирилиши натижасида ҳар бир оила қурмоқчи бўлган ёшлар билан бевосита сухбат ўтказса юқоридагидек салбий ҳолатларни олдини олишда самарали чора-тадбир бўлиб хизмат қиласди.

Никоҳ шартномасини мажбурий тартибда тузиш эр-хотин ўртасида ортирилган мол-мулкнинг хукуқий асослари кафолатланади, яъни шартномада мулкий муносабатларга оид қоидаларнинг батафсил акс эттирилиши кейинчалик юзага келадиган мулк билан боғлиқ низолар келишмовчиликларни судгача тинч йўл билан ҳал этиш имконияти яратилиб, томонларнинг хукуқлари ҳимояланишига эришилади.

Оила-турмуш доирасидаги хукуқбузарликлар тўғрисидаги маъмурий ишларнинг профилактика инспектори эмас балки судда кўрилиши айrim оиласарнинг ажримига яъни суд томонидан тарафларга жарима жазоси тайинланиши келишмовчиликни авж олишга сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли оиласардаги ажримларни олдини олиш, хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика инспекторларнинг обрўсини ошириш мақсадида, оила-турмуш доирасидаги хукуқбузарлар ва томонларнинг ўзаро ярашуви муносабати билан, маъмурий жавобгарликдан озод этиш шунингдек жазони енгиллаштириш ваколатларини судлар билан бир қаторда профилактика инспекторлари ва Хотин қизлар инспекторларига ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, аёлнинг нозик қўлларига кишан эмас, гул, қалбига ёвузлик эмас, эзгулик ярашади. У жамиятимизнинг кўрки бўлмоғи лозим. Унинг тилларидан пушаймонлик, афсус ноласи эмас, аллалар учсин, баҳтдан, толедан куйласин. Бунинг учун эса аёллар қонунбузарлигининг олдини

⁸⁶Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act of 2002 // [Электрон манба]: <https://www.ojjdp.gov/about/ojjdpact2002.html>.



олиш фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ёки тегишли ташкилотларнинггина эмас, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тўйчиев Ҳ. Шахс ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий таълим. - Т.: Муҳаррир, 2010. - 128 б. Б. 50
2. Каракетов Ю.М. Ответственность за разбой. – Нукус, 1990. – С.115.
3. Криминология: Дарслик / З. С.Зарипов, Ю. С.Пулатов, Г. А.Аванесов ва бошқ.; проф. С.Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 474 б. Б. 198.
4. Семенихин В. Подросток ждет защиты // Милиция.– 1992. – №1. – С. 13.
5. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошқ.; проф. Ў. Ҳ. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. - Т., 2017. - Б. 22-24.
- 6.Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) дис.... автореф. – Т., 2018. – Б. 20.
- 7.Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>
- 8.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>;
- 9.Абдурасурова Қ.Р. Хотин-қизлар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2005. – 231 б.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 авгуstdаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сон буйруғи // URL: <http://www.lex.uz>
- 11.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 296-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – №48. – 446-м.
- 12.Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act of 2002 // [Электрон манба]: <https://www.ojjdp.gov/about/ojjdpact2002.html>.